

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc. 20/30.12.2019.S.23.02  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ**

**ОТАМУРАТОВ САРВАР САДУЛЛАЕВИЧ**

**ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИНИНГ  
ИЖТИМОЙ-ИННОВАЦИОН ЖАРАЁНЛАРДАГИ  
ТРАНСФОРМАЦИЯЛАШУВИ:  
СОЦИОЛОГИК ТАҲЛИЛ**

**22.00.02-Ижтимоий тузилиш, ижтимоий институтлар ва турмуш тарзи**

**СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

УДК: 316.346.32-053.6:316.422(575.1)

**Социология фанлари доктори (DSc)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации  
доктора философии (DSc.) по социологическим наукам**

**Contents of Dissertation Abstract of the  
Doctor of Philosophy (DSc) on Sociological Sciences**

**Отамуратов Сарвар Садуллаевич**

Янги Ўзбекистон ёшларининг ижтимоий-инновацион

жараёнлардаги трансформациялашуви: социологик таҳлил.....3

**Отамуратов Сарвар Садуллаевич**

Трансформация молодёжи нового Узбекистана

в социально-инновационных процессах: социологический анализ.....31

**Otamuratov Sarvar Sadullayevich**

Transformation of the youth of the New Uzbekistan in the

social and innovative processes: sociological analysis.....59

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

**Список опубликованных работ**

**List of published works.....64**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc. 20/30.12.2019.S.23.02  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ**

**ОТАМУРАТОВ САРВАР САДУЛЛАЕВИЧ**

**ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИНИНГ  
ИЖТИМОЙ-ИННОВАЦИОН ЖАРАЁНЛАРДАГИ  
ТРАНСФОРМАЦИЯЛАШУВИ:  
СОЦИОЛОГИК ТАҲЛИЛ**

**22.00.02-Ижтимоий тузилиш, ижтимоий институтлар ва турмуш тарзи**

**СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Социология фанлари доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.3.DSc/S30 рақами билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси ([www.dba.uz](http://www.dba.uz)), Ўзбекистон Миллий аборот агентлиги сайтига ([www.uza.uz](http://www.uza.uz)) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталига ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчи:**

**Бекмуродов Мансур Бобомуродович**  
социология фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Саидов Акмал Холматович**  
академик, юридик фанлари доктори,  
профессор

**Умаров Абсалом Адилевич**  
социология фанлари доктори, профессор

**Қаххоров Абдулла Ганиевич**  
социология фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**«Ижтимоий фикр» республика  
жамоатчилик фикрини ўрганиш Маркази**

Диссертация химояси Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.20/30.12.2019.S.23.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ куни соат \_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 45-уй. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқарув академияси биноси, 11-қават, 1108-хона Тел.: (99871) 232-60-56; факс: (71) 232-60-80, e-mail: [info@dba.uz](mailto:info@dba.uz)).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ \_\_ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 45-уй. Тел.: (71) 232-61-25).

Диссертация автореферати 2021 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2021 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Т.Б. Матибаев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси ўринбосари, социология фанлари доктори, профессор

**Ш.М. Содиқова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, социология фанлари доктори, профессор

**Ф.Я. Парманов**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, социология фанлари доктори

## **КИРИШ докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон миқёсида ёшлар ижтимоий гуруҳини тадқиқ этиш ҳар доим долзарб бўлиб келган. Улар ўзларининг интилувчанлиги, янгиликлар ва бунёдкорликка мойиллиги билан бошқа гуруҳлар ва синфлардан ажралиб турадилар. Табиийки, бу хусусиятлар ёшларнинг моддий, ижтимоий ва маънавий-маърифий соҳадаги эҳтиёжлари ошиб боришига ҳам ўзининг таъсирини ўтказди. Эҳтиёжлар кўламининг кенгайиши, ёшлар ҳаётий талаблари жамиятдаги ижтимоий тақлифларни ишлаб чиқариш суръатидан ўзиб кетишидан иборатлиги, уларнинг эҳтиёжлари билан жамиятда мавжуд имконият ўртасида номуносиблик ҳолатини таркиб топтиради ва бу жамиятда турли зиддиятлар содир бўлишига олиб келади. Шунинг учун ҳам бугун ёшлар ҳаётида кечадиган ана шу трансформацион-социологик жараёнларни изчиллик билан тадқиқ этиш зарурати кучайиб бормоқда.

Ёшлар жамият ижтимоий тузилмасидаги жуда мураккаб гуруҳлардан бирини ташкил этади. Чунки уларнинг таркибига кирувчи ёшларнинг эҳтиёж ва манфаатлари турли даража ва талабларда бўлади. Шу нуқтаи назардан уларнинг жамият ижтимоий тузилмасида мустақил ижтимоий табақа ёки гуруҳ ва бошқа ижтимоий гуруҳлар таркибидаги бирлик масаласи ҳам ўзининг долзарблиги билан ажралиб туради. Шу билан бирга, дунёда кечаётган глобаллашув жараёнида уларни ўзаро бирлаштирувчи мақсад ва манфаатларни, жамият ва мамлакат тараққиётидаги роли ҳамда жамият ижтимоий тузилмасининг барқарорлигини таъминловчи куч эканлигини таҳлил этиш мамлакатларни барқарор ривожлантириш омиллари сифатида намоён бўлади.

Мамлакатимизда ёшларнинг иқтисодий, сиёсий ва маънавий соҳаларда фаол иштирокини таъминлашга муҳим вазифа сифатида эътибор қаратилмоқда. Айниқса, улар менталитетидаги янгиликка мойиллик, интилувчанлик ва ҳаётга нисбатан жўшқинлик, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларга куч ва руҳият бағишлайди. Бугун ёшлар манфаатларини амалга ошириш ишлари давлат сиёсатидаги устувор вазифалардан бири сифатида белгиланди. «Ёш авлоднинг фуқаролик позицияси ва фаоллигини кучайтириш, фарзандларимизни мустақил фикрлайдиган, замонавий билим ва касб-хунарларни пухта эгаллаб, халқаро майдонда рақобатга кириша оладиган баркамол шахслар, етук мутахассислар этиб тарбиялаш бўйича кенг кўламли ишларни олиб бормоқдамиз»<sup>1</sup>. Янги Ўзбекистон ёшларининг ижтимоий-инновацион жараёнлардаги трансформациялашувини социологик тадқиқ этиш илмий-амалий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 14 сентябрдаги ЎРҚ-406-сон «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида», 2019 йил 29 октябрдаги ЎРҚ-576-сон «Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида», 2020 йил 24 июлдаги ЎРҚ-630-сон «Инновацион фаолият тўғрисида» Қонунлари, Ўзбекистон

---

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. - Тошкент: «O'zbekiston» нашриёти, 2021. - Б.54-55.

Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2017 йил 5 июндаги ПФ-5106-сон «Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида», 2018 йил 27 июндаги ПФ-5466-сон «Yoshlar-kelejaгимиз» давлат дастури тўғрисида», 2018 йил 21 сентябрдаги ПФ-5544-сон «2019–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида», 2017 йил 29 ноябрдаги ПФ-5264-сон «Ўзбекистон Республикаси инновацион ривожланиш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида»ги фармонлари ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган бўлиб, уларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи.** Модернизация шароитида ёшлар ижтимоий-инновацион фаолиятида кечаётган трансформацион жараёнлар, улар фаоллигини оширишга таъсир этувчи сабаб ва омиллар, ёшлар ижтимоий гуруҳида кечаётган стратификацион жараёнлар, жамият ижтимоий тузулмасида уларнинг мақомини ошириш каби муаммоларга бағишланган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва университетлари, жумладан, Германия Федератив Республикасида таълим ва фан федерал вазирлиги ҳамда «Штерк» журнали қошидаги «Ёшлар тадқиқоти» жамғармаси, АКШда «Ёшлар сиёсати» ННТ (Youth policy institute, Los Angeles), «Ёшлар ривожланиши ва сиёсий тадқиқотлар маркази»; Буюк Британияда Манчестер ёшлар университети ўқув маркази (The Manchester centre for youth studies); Францияда «Ёшлар ҳудудий кенгаши» ташкилоти (Conceil Regional des jennesdillede France); Россияда «Ёшлар ишлари федерал агентлиги», Қозоғистонда «Ёшлик» илмий тадқиқот маркази (масъулияти чекланган жамият)ларида олиб борилмоқда.

Ёшлар муаммоларига оид жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида бир қатор илмий натижалар олинган. Жумладан: жамият ижтимоий тузилмасида ва бошқа ижтимоий гуруҳлар тузулмасида ёшларнинг ўрни (Youth policy institute, Los Angeles), ёшларда кечаётган ижтимоийлашув жараёни (The Manchester centre for youth studies); инновацион жараёнларда ёшлар иштироки (Conceil Regional des jennesdillede France) очиб берилган ҳамда жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маънавий соҳаларида уларнинг ўрнини ошириш (Россия, Ёшлар ишлари федерал агентлиги) ўрганилган.

Ёшларга бағишланган замонавий тадқиқотлар бўйича бир қатор устувор йўналишлар асосида тадқиқотлар олиб борилмоқда. Жумладан: ёшларнинг инновацион фаолиятдаги иштироки, жамиятда кечаётган трансформацион жараёнлар, ёшларнинг шахс сифатидаги мақоми, уларни касбий фаолиятга жалб этиш жараёни, эҳтиёжлари, манфаатлари ва хатти-ҳаракат мотивлари, оилавий ҳолати, ёшларга оилавий можаролар таъсири ҳамда ишга жойлашиш, таълим олиш ва дам олиш, формал ва ноформал ёшлар гуруҳлари муаммолари.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ёшлар масалалари инсоният ижтимоий-интеллектуал тараққиётининг барча босқичларида долзарб мавзу бўлиб келган. Чунки, мамлакатлар қайси даражада тараққий этмасин, уларнинг истиқболи ёшлар ижтимоий гуруҳларининг яратувчанлик, бунёдкорлик ва уларнинг истиқбол йўли учун белгиланган вазифаларни амалга оширишдаги фаоллигига боғлиқ. Шунинг учун ҳам ёшлар масаласи илмий тадқиқотларда турли йўналишларда ва ҳар хил социологик ракурсларда тадқиқ қилинган.

Хорижий классик социологлар вакилларида Э.Дюркгейм, Т.Парсонс, Р.Мертон, М.Вебер, С.Эйзенштадт, К.Манхеймларнинг тадқиқотларида ёшларнинг жамиятдаги ўрни ва унда кечаётган жараёнлардаги иштироки хусусида тадқиқотлар олиб боришган. Хусусан, ёшларнинг жамиятдаги хатти-ҳаракатларини ифодалаш мақсадида «аномия» (ижтимоий меъёрлар ва институтларнинг тартибсизлиги, инсон фаолиятининг ноаниқлиги ва беқарорлиги) тушунчаси қўлланилган; ёшлар хулқ-атворлари билан эҳтиёжлари ўртасидаги муносабатларни таҳлил қилиб, улар ўртасида тафовутлар мавжудлиги сабаблари кўрсатилган; замонавий ёшлар ҳаётнинг мазмун-моҳиятини фандан фойдаланган ҳолда излашга эмас, балки амалий масалаларни ҳал этишга интиладилар, «уларда прагматик ҳаракатлар устувордир»; ёшлар муаммоларини ўрганишда тузулмавий-функционал ёндашув илгари сурилган ҳамда ёшлик бу – болалиқдан катта ҳаётга ўтиш босқичи сифатида кўрилган; «ёшлар маданиятининг ўрни ва функцияси бу – ёшларни жамиятга интеграциясини таъминлаш» ёшлар ҳақида фикр юритилиб, уларни вояга етиши эмас, балки авлодлар тушунчасида ўз ифодасини топиши ғояси илгари сурилган<sup>2</sup>. Албатта, уларнинг илгари сурилган концепциялари ва қарашлари ёшлар муаммоларини ўрганишда методологик аҳамиятга эга. Шунингдек, мазкур муаммони ўрганган хорижий тадқиқотчилар қаторига Howard Williamson, Ron Johnston, Bastien Sheri, Holmarsdottir Halla, Daniele Morciano, Maurizio Merico, Anne-Marie Peatrik, Winthrop Rebecca, Dominic Rushe, Lauren Aratani and Amanda Holpuch, A.A.Rean, Jaime Marks, Lam Chun Bun, and Susan M. McHale Sara Gasior,

---

<sup>2</sup> Дюркгейм Э. Самоубийство: социологический этюд. - Спб., 1898; Дюркгейм Э. Identity: Youth and crisis. N.Y., 1968.; Мертон Р. Социальная теория и социальная структура. - М., 2004; Макс Вебер. Наука как призвание и профессия // Макс Вебер. Избранные произведения. Перевод: А. Ф. Филиппов, П. П. Гайденко. - М.: «Прогресс», 1990. - С. 720.; Т.Parsons Youth in the context of American society//The challenge of Youth/ Ed.by E.H.Erikson. N.Y.1965, Eisenstadt S.N. From Generation to ceneration, N.Y. The Free Press. 1956 - P.81; Мангейм К. Диагноз нашего времени. - М., 1994.

Cheryl Forchuk, Sandra Regan Natalie Ross<sup>3</sup> кабиларни киритиш мумкин. Хусусан, ривожланган Ғарб мамлакатлари олимлари тадқиқотларида инновацион жараёнларнинг ёшлар ижтимойлашувига прагматик таъсири, бу жараёнларнинг индивидуал эҳтиёжлар ҳамда англанган манфаатларнинг кучайиши барқарор тенденцияга айланаётганлигига эътибор қаратадилар. Улар ёшларни мустақил ижтимоий гуруҳ сифатидаги мақомига эмас, балки соҳа, касб, муайян қизиқишлар доирасида ижтимойлашган шахс мақомидаги ривож, шунингдек, уларнинг оила муҳитидаги аҳволи, иш билан таъминлашдаги муаммолар, инновацияга жалб қилиш, таълим олишдаги қийинчиликлар, оиладаги ажралишларнинг ёшлар ҳаётига таъсири каби масалаларни тадқиқ этганлар. МДХ олимларидан О.И.Белый, Н.Б.Горбачева, В.В.Давнис, С.О.Елишев, И.М.Ильинский, В.А.Луков, А.И.Ковалева, И.С.Кон, А.Ф.Радченко, В.И.Чупров, Ю.А.Зубок, К.Уильмас<sup>4</sup> тадқиқотларида асосан ёшларнинг ижтимоий гуруҳ сифатидаги мақомларини аниқлаш ҳамда жамият ҳаётидаги ўрни билан боғлиқ масалалар, ёшлар ҳаётида трансформацион жараёнларда институционал омиллар устуворлигига эътибор қаратганлар. Аммо, трансформацион жараёнларда институтлашган омиллар, яъни ота-она, референт гуруҳлар, алоҳида шахслар (харизматик шахслар)нинг роли кам ўрганилган.

Мамлакатимиз олимларидан М.Бекмуродов, А.Саидов, А.Умаров, А.Холбеков, Т.Матибаев, Р.Убайдуллаева, М.Ганиева, Қ.Абдурахманов, Ш.Содиқова, О.Абдуазимов, А.Норбеков, А.Қаҳҳаров, Т.Нарбаева, Б.Фарфиев, Н.Латипова, А.Сеитов, А.Юнусовлар<sup>4</sup> ўз тадқиқотларида ўсиб келаётган авлодни ёш жиҳатидан гуруҳга ажратиб, уларни демографик гуруҳ сифатидаги «мақомлар»да таҳлил этганлар. А.Саидов, Э.Бобомуратов, С.Жураев, Б.Жураев, Қ.Қуронбаев, Э.Ғозиев, З.Қодирова, В.Алимасов, Ш.Мадаева, Э.Каримова, Г.Тўленова, М.Нишонов, Ф.Нишонова, Б.Хасанов ва бошқалар эса ёшларни фалсафий, сиёсий, ҳуқуқий ва психологик жиҳатдан ўрганганлар. Хусусан, академик А.Саидов Ўзбекистонда ёшларга давлатимиз томонидан қаратилаётган эътибор ва уларнинг ҳуқуқларини таъминлаш борасидаги ишлар тўғрисида куйдагиларни таъкидлайди: «Бугун Ўзбекистон муҳим демографик чегарада турибди. 30 ёшгача бўлган ёшлар аҳолининг 60 фоизини ташкил қилади. Буни республика учун ўзига хос қимматбаҳо «демографик дивидент» деб аташимиз мумкин. Бугун мамлакатда ёшларнинг қонуний ҳуқуқлари ва манфаатларини таъминлаш масаласи давлат сиёсатининг устувор йўналиши ҳисобланади ва доимо диққат марказда»<sup>5</sup>. М.Бекмуродов ёшларни гуруҳларга ажратиб, уларнинг уюшган кичик гуруҳлари ҳақида фикр юритиб, куйидагича ёзади: «... ёшларнинг табиий равишда уюшадиган кичик гуруҳлари (илмда «референт гуруҳлар» дейилади)да юз берадиган мулоқотлар мазмунидан

<sup>3</sup> Қаранг: номлари келтирилган муаллифларнинг ишлари диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

<sup>4</sup> Қаранг: номлари келтирилган муаллифларнинг ишлари диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

<sup>5</sup> Саидов А. Янги Ўзбекистон ёшлар сиёсатининг халқаро эътирофи ҳақида. «Янги Ўзбекистон расмий канали», 2021 йил 17 апрель, - Б.1.



на ота-она, на ўқитувчилар, на маҳалла хабардор. Референт гуруҳлар ёш йигит-қизнинг ҳаёт муаммолари, дунёқараши, меҳнатга, ота-онага, Ватанга бўлган муносабатини шакллантирувчи ва мустақамловчи ижтимоий бирликдир»<sup>6</sup>. Яъни, муаллиф «референт гуруҳлар»га ижтимоий бирлик сифатида қарайди. А.Холбеков ва У.Идиоровлар эса улар ҳақида қуйидагича ёзадилар: «Ёшлар – ёш хусусиятларига, ижтимоий ҳолатининг ўзига ҳослигига кўра ажралиб турувчи ижтимоий-демографик гуруҳ. Ҳозирги пайтда 14 – 16 ёшдан 25 – 30 ёшгача бўлганлар ёшларга мансуб дейилади. Ёшларнинг алоҳида ижтимоий-руҳий қиёфаси жамиятнинг умумий ҳолати, ижтимоийлашув хусусиятлари, таълим-тарбия имкониятлари билан белгиланади»<sup>7</sup>. Бу таърифда ёшларга ижтимоий-демографик нуқтаи назардан қаралган. Аммо, моддий, маънавий, сиёсий ҳаётга муносабатлари мазкур таърифда назарда тутилмаган. Жаҳоннинг тараққий этган мамлакатлари олимлари ва тадқиқотчилари эса жамият тузилмасини кўпроқ синфлар, касб-корлар, стратификацион нуқтаи назардан қарайдилар. Уларда моддий бойлик барча кадриятлардан устун бўлиб қолмоқда. Аслида, ёшлар жуда мураккаб ижтимоий гуруҳ ҳисобланади. Уларнинг ижтимоийлашув жараёни ҳам қийин кечади. Чунки, психолог олимларимиз Э.Ғозиев ва Б.Хасанов тўғри таъкидлаганларидек, «ўсмир ва ўсмирларнинг ижтимоийлашув даврида ўзини-ўзи танитиш, турмушда ўз ўрнини топиш иштиёқи кучаяди, бундай психологикшарт-шароитнинг туғилиши мазкур жараённи тезлаштиради»<sup>8</sup>.

Мамлакатимизда олиб борилган тадқиқотларда ёшлар ҳаётининг турли йўналишлари таҳлил қилиниб, тегишли илмий-амалий хулосалар илгари сурилди. Шу билан бирга, ёшлар эҳтиёжлари мамлакат тараққиёти даражаларига нисбатан тез ошиб бормоқда. Айни пайтда бу ҳолат ёшлар муаммоларини изчиллик билан ўрганиб боришни талаб қилмоқда. Аммо, ёшларнинг жамиятни модернизациялаштириш жараёнидаги ижтимоий-инновацион фаолияти ва улар онгида кечадиган трансформацион жараёнлар ва айниқса Янги Ўзбекистонда ёшларнинг мустақил ижтимоий гуруҳ сифатида шаклланиши, мазкур ижтимоий гуруҳнинг институционаллашув ҳолатини тизимли тадқиқ этувчи масалалар фундаментал тарзда мустақил социологик тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган. Бу эса ушбу йўналишда тадқиқотларни амалга ошириш долзарб ва илмий-амалий аҳамиятга эга ҳисобланади.

**Диссертация мавзусининг олий таълим муассасаси илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси илмий тадқиқот ишлари режасининг ПЗ-20170929253 пункти асосида «Давлат бошқаруви соҳасида мутахассисларни тайёрлаш ва давлат хизматчилари малакасини ошириш бўйича махсус таълим йўналишларини ишлаб чиқиш ҳамда улар

<sup>6</sup> Бекмуродов М. Замоनावий бошқарув социологияси. Тошкент: «Yoshlar nashriyoti», 2020. - Б.294.

<sup>7</sup> Холбеков А., Идиоров У. Социология. (изоҳли луғат маълумотнома) - Тошкент: Абу Али ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти, 1994. - Б.46.

<sup>8</sup> Ғозиев Э., Хасанов Б. Психология муаммолари. Университетларнинг психология мутахассислиги учун ўқув қўлланма. Тошкент: «Университет», 1999. – Б. 89.

фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг замонавий усуллари жорий этиш» (2018-2020 йй.) илмий лойиҳаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Янги Ўзбекистон ёшларининг ижтимоий-инновацион жараёнлардаги трансформациялашувини аниқлаш ва уларнинг фаоллигини ошириш механизмларини такомиллаштиришга доир таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

«ёшлар ижтимоий гуруҳи» тушунчасининг социологик моҳиятини ва мустақил ижтимоий гуруҳ сифатида шаклланишига таъсир этувчи омилларини очиқ бериш;

жамиятнинг модернизациялашувида ёшлар ижтимоийлашувининг ўзига хос ўрни ва уларни ижтимоий-инновацион фаолликка ундовчи мотивларини тадқиқ этиш;

жамиятни модернизациялаштириш шароитида ёшлар ижтимоий-инновацион фаолиятида кечадиган трансформацион жараёнларни тадқиқ этиш;

уюлмаган ёшлар гуруҳи моҳиятини ва ижтимоий-инновацион жараёнларга пассив муносабатлардаги ёшларнинг ўзига хос хусусиятларини очиқ бериш;

ёшлар ижтимоий-инновацион фаоллигини оширишда анланган эҳтиёжларнинг таъсирини асослаш;

ёшлар манфаатларидаги фарқларни мувозанатлаштиришда ижтимоий-инновацион омилнинг ўрнини ва улар таркибида табақаланишни юзага келтирадиган омилларни тадқиқ этиш;

ёшлар ижтимоий-инновацион фаоллигига салбий таъсир этувчи омиллар ва уларни бартараф этиш имкониятларини очиқ бериш юзасидан таклиф ҳамда тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг объектини** Янги Ўзбекистон шароитида ёшлар ижтимоий-инновацион фаолияти ташкил қилади.

**Тадқиқотнинг предметини** Ўзбекистон жамиятини модернизациялаштириш жараёнида ёшлар ижтимоий-инновацион фаоллигига таъсир этувчи ижтимоий ва институционал омиллар ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда социологиянинг биографик, кузатиш, анкета сўрови, интервью, таҳлил усулларидан фойдаланилди. Умумий илмий тадқиқот методологияси сифатида муаллиф замонавий социология, унинг усуллари ва тизимли ҳамда функционал ёндашувлардан фойдаланган ҳолда фикрлаш ва тадқиқотнинг категория аппаратларига таянади. Махсус социологик усуллар сифатида социологик сўров, маълумотлар синтези, интервью, кузатув ва эксперт хулосалари таҳлили ишлатилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

«ёшлар ижтимоий гуруҳи» тушунчаси, уларнинг жамият ижтимоий тузилмасида мустақил субъект сифатидаги мақоми ва функционал фаолияти аниқланган;

мамлакатимизда амалга оширилаётган модернизациялаштириш жараёнида жамиятимизда шаклланган янги ижтимоий тузилма (структура) «модел»и ишлаб чиқилган ва унинг Янги Ўзбекистонда намоён бўлиш хусусиятлари ҳамда ёшларни ижтимоий-инновацион фаолликка ундовчи мотивлари асосланган;

жамият ижтимоий-инновацион тараққиётида «фаол» ва «пассив» ёшлар тушунчалари, уларнинг ички тузилмаларида кечадиган трансформацион жараёнларнинг мазмун ва моҳияти очиб берилган;

ёшларнинг ижтимоий-инновацион фаоллигига позитив таъсир этувчи омиллар аниқланган ҳамда улар фаоллигининг фан, техника ва инновацион технологияларни эгаллаш жараёнида намоён бўлиш хусусиятлари далилланган;

ёшлар ижтимоий-инновацион фаоллигига салбий таъсир этувчи омиллар аниқланиб, уларнинг деструктив контентини социологик таҳлил этиш ва нейтраллаштириш бўйича таклиф ҳамда тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

«ёшлар ижтимоий гуруҳлари»нинг мустақил субъект сифатидаги мақомини инкор этувчи қарашлар таҳлил этилиб, функционал имкониятлари ва уларнинг жамият ижтимоий тузилмасида мустақил ижтимоий гуруҳ сифатидаги мақоми асосланди, жамият, миллат, халқ ҳаётидаги ўрни ва функционал моҳияти очиб берилди;

мустақиллик йилларида мамлакатимизда амалга оширилаётган модернизациялаштириш жараёнида жамиятимизда шаклланган янги ижтимоий тузилма (структура) «модел»и ишлаб чиқилди;

жамиятни модернизациялаштириш жараёнининг Янги Ўзбекистонда намоён бўлишининг ўзига хос шарт-шароитларида ёшларни ижтимоий-инновацион фаолликка ундовчи мотивларнинг таъсир ўтказиш имкониятлари очиб берилди;

Янги Ўзбекистон жамиятининг моҳиятан ўзгарган ижтимоий тузилмасининг янги ижтимоий маконда амал қилиш механизми ишлаб чиқилди ва уни ташкил этувчи гуруҳларнинг ўзига хос мақомлари ҳамда ёшларнинг мазкур стратификацион тузилмадаги ўрни аниқланди;

жамиятни модернизациялаштиришда ва ижтимоий-инновацион тараққиётда шаклланадиган «фаол» ва «пассив» ёшларнинг ички тузилмасида содир бўладиган трансформацион жараёнлар аниқланди;

ёшлар ижтимоий-инновацион фаолликларига салбий таъсир этувчи омиллар аниқланиб, уларни бартараф этиш бўйича масъул бўладиган Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, жамот ташкилотлари, ҳокимият органлари, таълим тизими, сиёсий партиялар, инновацион фаолиятга дахлдор вазирликлар ва идоралар ўзларининг фаолиятларини такомиллаштиришларига йўналтирилган амалий тавсиялар, таклифлар берилди.

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги** республика ва халқаро миқёсдаги илмий-амалий ва услубий конференция материаллари, ОАК рўйхатидаги махсус журналлар ҳамда хорижий илмий журналларда чоп

этилган мақолалар, ўтказилган социологик тадқиқотлар натижалари, ишлаб чиқилган хулосалар, таклиф ҳамда тавсияларнинг амалиётда жорий этилганлигининг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ёшлар ижтимоий-инновацион фаолиятида кечаётган трансформацион жараёнларнинг социологик тадқиқот методологияси, технологияси ва воситаларини такомиллаштириш, «Социология», «Сиёсий социология», «Ёшлар социологияси», «Меҳнат социологияси» фанларнинг назарий жиҳатларини бойитишда, шунингдек, мавзу бўйича олинган эмпирик илмий натижалардан кейинги тадқиқотларда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти сифатида диссертация иши ёшлар ижтимоий-инновацион фаолиятида кечаётган трансформацион жараёнларни оптимал бошқариш ва назорат қилишга ҳокимият тармоқлари, мутасадди давлат ташкилотлари, фуқаролик институтлари, маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштиришнинг назарий асосларини ривожлантиришга ва бу жараёнлар тенденцияларини аниқлаб, прогнозлаштириш ва моделлаштиришга доир социологик назарий концепцияларни конкретлаштиришга хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Янги Ўзбекистон ёшлари ижтимоий-инновацион фаолиятида кечаётган трансформацион жараёнлар самарадорлигини ошириш механизмларини тадқиқ қилиш бўйича илмий тадқиқот натижалари:

«ёшлар ижтимоий гуруҳи» тушунчаси, уларнинг жамият ижтимоий тузилмасидаги мустақил субъект сифатидаги мақоми ва функционал фаолиятини аниқлаш ҳамда мустақиллик йилларида мамлакатимизда амалга оширилаётган модернизациялаштириш жараёнида жамиятимизда шаклланган янги ижтимоий тузилма (структура) «модел»ини ишлаб чиқишга оид таклиф ва тавсиялар Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ва унинг муассислигидаги ташкилотлар (жумладан, «Етакчи» ёшлар маркази, Лойиҳалар бошқаруви маркази, Республика ёш олимлар ассоциацияси, Ёш ҳуқуқшунослар кенгаши) фаолиятида фойдаланилган (Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг 2021 йил 16 августдаги 04-13/1337-сонли маълумотномаси). Натижалар ёшлар ўртасида иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, маънавий-маърифий ва интеллектуал соҳаларда юзага келиши мумкин бўлган табақаланишнинг олдини олиш ҳамда ёшлар онги, дунёқараши ва тафаккурини модернизациялаштиришга хизмат қилган;

жамиятни модернизациялаштириш жараёнининг янгиланаётган Ўзбекистонда намоён бўлиш хусусиятлари, уларнинг ёшлар ижтимоийлашувига таъсири ва ижтимоий-инновацион фаолликка ундовчи мотивлари асосланганлиги ҳамда жамиятни модернизациялаш шароитида ёшлар эҳтиёжлари билан ижтимоий-инновацион жараёнлар ривожланиши ўртасида юзага келадиган номутаносибликнинг содир бўлиши сабаблари аниқланганлиги ва уларни бартараф этиш омиллари асосланганлигига оид

тавсиялар Ўзбекистон Республикасининг «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги Қонуни янги таҳрирда қабул қилингунига қадар Олий Мажлис Қонунчилик палатасида қонун лойиҳасини такомиллаштириш бўйича муҳокамаларда қонуннинг 23-моддаси «Ёшларни ижтимоий ҳимоя қилиш кафолатлари», 27-моддаси «Ёшлар ижтимоий хизмати» моддаларини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2021 йил 10 августдаги 02/897-сонли маълумотномаси). Натижалар ёшлар тадбиркорлигини ривожлантиришга кўмаклашиш, ёшларнинг яшаш жойларида бўш вақтларини мазмунли ўтказишини ташкил этиш амалиётига татбиқ этилиб, ижтимоий ёрдамга муҳтож ёшларга тегишли ёрдам кўрсатишга хизмат қилган;

«ижтимоий-инновацион фаолият» тушунчаси, унинг жамиятда кечадиган умумижтимоий-инновацион жараёнлардаги ўрни, ўзига хос хусусиятлари ва уларнинг ёшлар фаолиятларида намоён бўлиши аниқланганлиги ҳамда жамият ижтимоий-инновацион тараққиётида «фаол» ва «пассив» ёшлар тушунчалари, уларнинг ички тузилмаларида кечадиган трансформацион жараёнларнинг мазмун ва моҳияти очиб берилганлигига оид таклиф ва хулосалардан Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигининг 2021 йилга мўлжалланган иш режасида белгиланган вазифаларни амалга оширишда кенг фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигининг 2021 йил 11 августдаги 01-01/4690-сонли маълумотномаси). Натижалар ёшларни инновацион фаолиятга жалб этиш, уларнинг фаоллигини ошириш ҳамда фан, таълим ва замонавий технологияларни ривожлантириш соҳаларига кенг иштирокини таъминлашга хизмат қилган;

ёшлар ижтимоий гуруҳлари ўртасида ўтказилган сўровлар натижалари социологик таҳлил усуллари орқали тавсифланиб, ёшларнинг ижтимоий-инновацион фаоллигига позитив таъсир этувчи омиллари аниқланганлиги ва улар фаоллигининг фан, техника ва инфорацион технологияларни эгаллаш жараёнида намоён бўлиш хусусиятлари далилланганлигига оид таклиф ва ғоялардан Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тадқиқот иши доирасида ўтказилган социологик сўровнома натижаси таҳлилида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 11 августдаги 89-03-2294-сонли маълумотномаси). Натижалар ёшларнинг ижтимоий-инновацион фаоллиги, фан, техника ва технология соҳаларидаги янгиликлар, ихтиролар ҳамда кашфиётларни рақобатлашаётган бозор муносабатлари даражасида амалга ошириш, уларга эҳтиёжлар ошиб бориши башоратлари ҳамда ёшларни тизимли равишда инновацияга йўналтиришга доир таҳлилларнинг аниқлаштирилишига хизмат қилган;

ёшлар ижтимоий гуруҳини мазкур социологик гуруҳга хос манфаатлар ва мақсадлар асосида табақаланишини юзага келтирган омилларнинг жамиятдаги бошқа ижтимоий гуруҳлар манфаатлари билан мувозанатлаштириш имкониятлари очиб берилганлигига оид таклиф ва тавсиялардан Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг 2020–2024 йилларга мўлжалланган сайловолди дастурининг IV. «Ижтимоий соҳани янада

ривожлантириш, мамлакатда таълим-тарбия тизимини тубдан ислоҳ этишнинг устувор йўналишлари» бўлимнинг 4.5. «Фан ва таълим тизимини ислоҳ этиш, мамлакатимиз аҳолисининг олий таълимга қамровини босқичма-босқич 50 фоизга чиқариш» соҳасида, VI. «Маънавий-маърифий соҳадаги устувор йўналишлар» бўлимнинг 6.2. «Ёшларни халқимизга ёт ва янги авлод онги учун зарарли бўлган «оммавий маданият»нинг салбий таъсиридан муҳофаза қилиш» соҳасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда унумли фойдаланилган (Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг 10.08.2021 йил, 03/02-312-сонли далолатномаси). Натижалар «Ёшлар қаноти» фаолиятини янада такомиллаштириш ҳамда ёшларни ижтимоий-инновацион фаолликка ундовчи мотивларнинг таъсир ўтказиш имкониятлари, жамиятни модернизациялаштиришда «фаол» ва «пассив» ёшларнинг ички тузилмасида содир бўладиган трансформацион жараёнларни аниқлаштиришга хизмат қилган;

ёшлар ижтимоий-инновацион фаоллигига салбий таъсир этувчи омилларни аниқлаш, уларнинг деструктив контентини социологик таҳлил этиш ва нейтраллаштириш бўйича таклиф ва ҳамда тавсиялардан Республика Маънавият ва маърифат маркази мажлисининг 2021 йил январдаги «Ўзбекистон Республикасида 2021 йилда маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтаришга доир қўшимча чора-тадбирлар» дастурининг II йўналишга оид «Ўзбекистондаги янгиланиш жараёнлари, амалга оширилаётган ислоҳотлар мазмун-моҳиятини кенг тарғиб қилиш», «Янги Ўзбекистон – Учинчи Ренессанс сари» ғоясини рўёбга чиқаришга қаратилган умуммиллий ҳаракатни юзага келтириш чора-тадбирлари»нинг 17-банди «Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари» мавзусида ўтказилган тарғибот ишларини амалга оширишда фойдаланилган (Республика Маънавият ва маърифат марказининг 2021 йил 26 августдаги 02/08-1048-сонли маълумотномаси). Натижалар ёшлар ўртасида маънавий-маърифий ишларни янги босқичга кўтариш, улкан бунёдкорлик ва яратувчанлик ҳаракати, мақсадли ислоҳотларни кенг халқ оммасига етказиш, жамиятда фаол фуқаролик туйғусини мустаҳкамлаш, бунда зиёлилар, илм-фан, маданият ва санъат, адабиёт намояндалари салоҳиятидан унумли фойдаланган ҳолда тизимли тарғиботни амалга оширишга хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 16 та республика ва 5 та халқаро илмий-амалий конференцияларда муҳокамадан ўтган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Тадқиқот мавзуси бўйича жами 29 та илмий ишлар чоп этилди. Жумладан, 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестацияси комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 14 та (улардан 11 таси республика илмий журналларида ва 3 таси хориж журналларида) мақола эълон қилинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб, диссертациянинг умумий ҳажми 288 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг «Кириш» қисмида тадқиқот ишининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий–тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти, предмети ва усуллари, илмий янгилиги, амалий натижалари, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий-амалий аҳамияти, амалиётга жорий этилганлиги, апробацияси, нашр этилган ишларнинг сони, диссертациянинг тузилиши асосланган.

Диссертациянинг «**Жамият модернизациялашуви шароитида ёшлар ижтимоий инновацион фаоллиги жараёнларини тадқиқ этишнинг илмий-назарий таҳлили**» деб номланган биринчи бобда «ёшлар» ижтимоий гуруҳи тушунчасининг мазмун-моҳияти, жамият ижтимоий тузилмасидаги ўрни, мустақил ижтимоий гуруҳ сифатида шаклланишига таъсир этувчи омиллар, жамиятнинг модернизациялашувида ижтимоийлашувининг ўзига хос хусусиятлари ва уларни ижтимоий-инновацион фаолиққа ундовчи мотивлар асослаб берилган.

Муаллиф фикрича, Ўзбекистонда ёшлар мустақил ижтимоий гуруҳи, уларнинг жамият ижтимоий тузилмасидаги ўрни ва ижтимоий инновацион фаолиятининг айрим қирралари ўрганилган, аммо улар фундаментал даражада тадқиқ этилмаган. Фақат мустақилликнинг кейинги даврларидагина бир нечта номзодлик диссертациялари ҳимоя қилинган, мақолалар ва китоблар эълон қилинган. Тадқиқотчи нуқтаи назарига кўра, мазкур муаммолар кўпроқ россиялик олимлар томонидан ўрганилиб келинмоқда. Хусусан, О.И.Белый, Н.Б.Горбачева, В.В.Давнис, С.О.Елишев, И.М.Ильинский, А.И.Ковалева, В.А.Луков, И.С.Кон, А.Ф.Радченко, В.И.Чупров, Ю.А.Зубок, К.Уильямс<sup>9</sup> ва бошқалар бир қатор мақолалар ва монографияларни эълон қилишган. Шу билан бирга, диссертант ушбу мавзуда илмий тадқиқотлар ўтказган олимлар иштирокида 2010 йил 15 декабрда «Идеи и идеалы» журнали давра суҳбатини ташкил этган ва мазкур тадбир материаллари журналнинг 1-сони (7)да эълон қилинган. Мақолаларда давра суҳбатида қатнашган турли соҳа вакиллари, жумладан, социологлар, психологлар, педагоглар, санъатшунослар унда келтирилган материалларнинг бугунги кунда ҳам илмий жиҳатдан аҳамиятини йўқотмаган ғояларни илгари сурганлар. Улар томонидан билдирилган фикр ва ғоялар

---

<sup>9</sup>Белый О.И. Определение понятия «молодежь». - М.: Теория и практика общественного развития. 2012. №12; Горбачева Н.Б. Изучение молодежи в социологическом аспекте. – Балтийский гуманитарный журнал. 2014. №4; Давнис В.В. Молодежь как объект статистического анализа. М.: «Экономика, статистика и информатика», 2004. №52; Елишев С.О. Молодежная проблематика и подходы к определению понятия «молодежь» в социологии. Вестник Московского Университета. Серия 18; Социология и политология. 2017. №3. - С.217; Ильинский И.М. Молодежь и молодежная политика: философия, история, теория. М.: 2001; Ковалева А.И., Луков В.А. Социология молодежи: теоретические вопросы. - М., 1999; Кон И.С. Социология молодежи. ВКН: краткий словарь по социологии. -М., 1998; Радченко А.Ф. Молодежь и ее возрастание границы. <http://www.putn2012.ru/event/>; Чупров В.И., Зубок Ю.С., Уильямс К. Социология молодежи. Уч. - М., 2011. - С.51.

бири иккинчисини бойитган бўлса, айримлари бир-бирига қарама-қарши ва мунозарабоп.

Бугунги кундаги шиддат билан ўзгараётган замонда бозор муносабатларининг ривожланиши шароитида ёшлар муаммоларини фундаментал тарзда ўрганишга эҳтиёж ортиб бормоқда. Россиялик тадқиқотчиларнинг ёшлар тушунчасига муносабатлари шартли равишда икки гуруҳга: уларнинг мустақил ижтимоий гуруҳ сифатида жамиятда мавжудлигини эътироф этувчилар О.И.Белый, Н.Б.Горбачева, В.В.Давнис, О.А.Донских, С.О.Елижев, А.И.Ковалева, В.А.Луков ва бошқалар биринчи гуруҳга, Л.Л.Штуден, М.Ю.Немцев иккинчи гуруҳга кирадилар. Уларнинг фикрича, ёшларга ягона ижтимоий бирлик сифатида эмас, балки фақат уларга ёш нуқтаи назаридан қараш мумкин. Бу тадқиқотчилар ёш нуқтаи назаридан ҳам ягона фикрга эга эмаслар. Жумладан, Н.И.Маркова, С.О.Елишев, А.Ф.Радченко 14 – 30 ёшлиларни ёшлар гуруҳига киритган бўлса, О.И.Белый уларни учта: 14 дан 18 ёшгача, 18 дан 22 – 25 ёшгача, 25 дан 30 ёшгача гуруҳларга ажратган. В.В.Давнис балоғат ёшига етмаганлар, балоғатга етганлар, меҳнат қилиш ёшига етмаганлар, меҳнат қилиш ёшига етганлар; яна буларни уч гуруҳга: балоғат ёшига етмаган (15–19 ёш), балоғат ёшига етган (20 – 24 ёш) ва катта ёшли (25 – 29 ёш) кабиларга ажратган. Келтирилганлардан кўриниб турибдики, ёшларни алоҳида олинган ижтимоий гуруҳ эканлигига ҳамда унинг тизимига кирадиган ички тузилмаси ҳақида тадқиқотчиларнинг ягона фикри шаклланмаган. Ҳатто, нафақат ёш жиҳатидан, шу билан бирга, яшаш жойи, ёши, маълумотлилиги, оилавий (ижтимоий) аҳволи каби омилларнинг қайси бири орқали уларни жамият ижтимоий тузилмасида белгиловчи бўлиши мумкинлиги ҳақида ҳам ягона фикрлар йўқ. Келтирилганларнинг барчасини бир тизимга киритиб, ёшлар гуруҳининг тўлақонли моҳиятини очиб бериш мураккабдир. Ана шуларни ҳисобга олганда, бизнинг фикримизча, ёшлар масаласини мураккаблаштирмасдан содда қилиб қуйидагиларга ажратиш мумкин:

1. Мактабгача – 1 - 7 ёшгача (болалар).
2. Мактаб ёшидагилар – 7 - 16 ёшгача (ўсмирлар).
3. 16 дан 30 ёшгача бўлган ёшлар (балоғат ёшидагилар).

Ёшлар гуруҳини келтирилган тартиб бўйича таснифлаштириш: **биринчидан**, уларнинг ёши; **иккинчидан**, жамиятдаги ўрни; **учинчидан**, мамлакат аҳолисининг демографик ҳолатини аниқлашни осонлаштиради.

Бизнинг фикримизча, ёшлар ижтимоий гуруҳига қуйидагича таъриф бериш мумкин:

Ёшлар мамлакат аҳолисининг мустақил ижтимоий гуруҳи сифатида ўз манфаатлари, оила аъзоси у ёки бу миллат ва халқ вакили, мамлакат фуқароси, моддий ва маънавий бойликларни яратувчиси ҳамда истеъмолчиси, у ёки бу мафкурага муносабати билан ўзига хос мақомга эга бўлган, авлодларни аждодлар билан боғлаб турувчи ва жамият ҳаётининг барча жабҳаларида иштирок этиш билан мамлакатнинг эртанги кунини яратишга масъул тоифа сифатида ажралиб турадиган мустақил субъектлардир. Бу таърифда ёшларнинг ҳуқуқлари, бурчлари, манфаатлари



умумий қилиб олинган. Бу эса ёшларнинг мақомини, жамият ва мамлакат тараққиётидаги ўрнини аниқ тасаввур этишга ёрдам беради. Айни пайтда муаллиф бу таърифида айрим тадқиқотчилардан фарқли ўлароқ, ёшларни мустақил ижтимоий гуруҳ сифатида ўзининг мақомига эга деган ғояни илгари суради. Улар, биринчидан, мамлакатнинг аҳолисини, унинг табиий ўсишини ва вафот этган қисмининг ўрнини тўлдириб турадиган гуруҳдир.

Иккинчидан, ёшлар – мамлакатнинг асосий меҳнат ресурслари. Бир қисм аҳолининг кексайиши ва оламдан ўтиши – объектив қонуниятдир.

Учинчидан, ёшлар оиланинг муҳим аъзоси сифатида жамият ҳаётида алоҳида мавқега эга.

Тўртинчидан, ёшлар – миллатни турли таҳдидлар ва ёвуз кучлардан сақлаб қолишнинг ҳимоячиси вазифасини ўтайди.

Бешинчидан, ёшлар – мамлакат ҳарбий қудратининг таянчи. Улар миллий хавфсизликни таъминлаш, уни ташқи ва ички душманлардан ҳимоя қилишнинг асосий кучи ҳамдир.

Олтинчидан, ёшлар – миллатнинг бардавомлигини таъминлайдиган куч. Миллат вакиллари дунёга келтирган фарзандлари улардаги ўз миллати манфаатларини англаш ютуқларидан фахрланиш, тараққиёти йўлида фидойи бўлиш каби туйғуларнинг мавжудлиги, замон ва маконда кечадиган ўзгаришларга мос ривожланиб бориш миллат бардавомлигини таъминлайдиган асосий омиллардир.

Диссертациянинг мазкур бобида жамият ижтимоий тузилмасини ўрганиш зарурияти масалалари таҳлил этилган. Инсоният тараққиёти жамият ижтимоий тузилмасини ўрганиш ҳар доим долзарб бўлиб келган. Бу муаммо ҳозирда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Чунки, бу тузилмани ташкил этган турли синфлар, социал гуруҳлар ва жамоат ташкилотларининг жамият тараққиётидаги имкониятларини, конструктив ва деструктив фаолиятларини аниқлаш уларни аниқ мақсадларга йўналтиришга ёрдам берган. Хусусан, юнон файласуфи Платон (Афлотун мил. ав. тах. 427 – 347 йй.) биринчилардан бўлиб аристократик жамиятни уч ижтимоий қатламга бўлган: биринчиси – файласуфлар, иккинчиси – ҳарбийлар, учинчиси – деҳқонлар ва ҳунармандлар. Файласуф ана шу ижтимоий гуруҳларнинг ҳар бирини жамиятда амалга ошириши зарур бўлган ишларини ҳам кўрсатиб берган.

«Шарқ Аристотели», иккинчи муаллим номи билан шуҳрат қозонган буюк бобомиз Форобий (873 – 950 йй.) «Фозил одамлар шаҳри» асаридаги етук жамият тўғрисидаги қарашларида одамларни турли гуруҳларга ажратган ва унга инсонларнинг ақлий салоҳиятини, илм-фанга қизиқишини асос қилиб олган. Буюк давлатни шакллантирган бобомиз соҳибқирон Амир Темур «Темур тузуклари»да жамият аъзоларини амалга оширадиган ишларидан келиб чиққан ҳолда қуйидаги тоифаларга: амалдорлар, сипоҳлар, илм аҳллари, деҳқонлар ва ҳунармандларга ажратган. Италиялик мутафаккир Николло Макиавелли (1469 – 1527 йй.) «Ҳукмдор» асарида давлат, уни ташкил қилиш ва бошқариш ҳақида илгари сурган ғояларида давлатнинг қудрати жамиятни ташкил қилган турли табақаларни ўзаро уюштира билиш, эркин фаолияти учун шарт-шароит яратиш зарурлиги ва барқарорликни

ташқил қилишда намоён бўлишини таъкидлаган.

Жамиятда иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маънавий-маърифий соҳаларда кечадиган ўзгаришлар, улар таъсирида инсонлар фаоллиги ва эҳтиёжларининг ошиши ижтимоий тузилмада янги синфлар ва ижтимоий гуруҳларнинг шаклланишига олиб келади. Бу жараёнларни изчиллик билан таҳлил қилиш юзага келадиган муаммоларнинг олдини олиш имконини беради.

Шундай қилиб, муаллиф мустақиллик йилларида Ўзбекистонда амалга оширилаётган жамиятни модернизациялаштириш жараёнида янгидан шаклланган ижтимоий тузилмаси «моделни»ни қуйидагича тавсифлаш мумкин, деб ҳисоблайди:



Таклиф қилинаётган бу «модель» тузилмасида юзага келган янги синфлар, ижтимоий гуруҳлари билан мустақилликкача бўлган даврда Ўзбекистон жамиятида амал қилиб келган ижтимоий тузилмасидан мазмунан ва реал намоён бўлиш тармоқлари (шакллари) фарқларини кўрсатишга ҳаракат қилинган.

Мазкур чизмада жамиятни ижтимоий гуруҳларга ажратишда қуйидагилар асос қилиб олинди: биринчидан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгилаб қўйилган мақомлар ва функциялар, шунингдек, уларнинг айримлари ҳақида қабул қилинган қонунлар ва меъёрий ҳужжатлар (масалан, «ёшлар», «нафақахўрлар», «фермерлар» ва ҳ.к.); иккинчидан, уларнинг бир қисмини Ўзбекистон ижтимоий ҳаётида институционал фаолиятлари назарда тутилмоқда (масалан, аёлларни ўзига бирлаштириб турувчи «Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси», тадбиркорларни бирлаштириб турувчи – «Тадбиркорларнинг жамоатчилик кенгашлари», хунармандларни бирлаштирувчи – «Ўзбекистон хунармандлар уюшмаси», интеллектуаллар манфаатини ҳимоя қилувчи «Ўзбекистон Республикаси интеллектуал мулк агантлиги» ва ҳ.к.); учинчидан, ижтимоий гуруҳларга ажратганимизда уларнинг мезонлари сифатида моддий, касбий, маиший, интеллектуал салоҳиятлари, жамият ҳаётидаги мавқеалари ва мақомлари асос қилиб олинган.

Юқорида келтирилган ижтимоий гуруҳлар қаторига давлат ва жамоат ташкилотларидаги бошқарув тизимида фаолият кўрсатаётган ходимларни, жамоатчилик асосида фаолият олиб бораётган ходимларни бирлаштириб турувчи ижодий кенгашларни, юрт тинчлиги, жамият барқарорлиги ва фуқаролар хавфсизлиги йўлида фаолият кўрстаётган ички ишлар ва давлат хавфсизлиги ходимларини киритиш мумкин.

Мазкур бобда «модернизациялаштириш» тушунчаси социология фани нуқтаи назаридан таҳлил қилинган. Тадқиқотчи фикрича, модернизация деганда кенг маънода инсон фаолияти орқали жамият ҳаётининг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маънавий-маърифий соҳаларда амалга ошириладиган ўзгаришлар ҳамда янгиланишлардан иборат жараённи тушуниш мумкин.

Жамиятни модернизациялаш самарали амалга ошишида, унинг вазифаларига нисбатан инновацион ёндашиш амалий аҳамиятга эга. Чунки, жамиятни модернизациялаш ҳар доим узлуксиз амалга оширилиб келинган. Аммо, бугун замон ва маконда кечаётган шиддатли ўзгаришлар ҳамда жамият аъзолари интеллектуал салоҳияти ва эҳтиёжларининг кескин ошиб бораётганлиги шароитида унга оддий жараён сифатида қараб бўлмайди. Бугун уни амалга оширишда ёшларнинг фаол иштирок этиши ҳамда инновацион ёндашуви талаб этилади.

«Инновация» тушунчаси ўзбек илмий адабиётларида қўлланилаётганлигига унчалик кўп вақт бўлмади ва унга тадқиқотчилар томонидан бир қатор таърифлар берилган ва бундан кейин бу ўз долзарблигини йўқотмайдиган масала бўлиб қолади. Чунки бу тушунча содда ва осондек туюлса-да амалда у кўп қиррали ва мураккабдир. Бу унинг, бир томондан, инсон фаолиятининг барча соҳалари билан боғлиқлигида намоён бўлса, иккинчи томондан, уни ишлаб чиқиш, яратиш, амалиётга татбиқ қилиш ва ундан келадиган самара натижалар кўламнинг реал ҳаётда ўз ифодасини топиши билан белгиланади. Келтирилган фикрларимизга асосланиб, «инновация» – илм, фан, техника, технология, жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маънавий-маърифий соҳаларида кеча мавжуд бўлмаган, бугун инсониятнинг интеллектуал салоҳиятини амалиётдаги натижаси сифатида янгидан яратилган янгиликлар, ихтиролар ва уларнинг амалиётга татбиқ этилиши жараёнидир, дейиш мумкин.

Ижтимоий-инновацион фаоллик – жамият ижтимоий тузилмаси тармоқларининг барқарор ривожланишига эришишига кафил бўлади. Бу жараёндаги етакчи кучлардан бири – ёшлардир. Уларни етакчилик қилишига ундайдиган мотивлар жамиятда аҳолининг ёш кучи янгиликка интилувчанлиги ва бунёдкорликка мойиллиги кабиларда ўз ифодасини топади. Мазкур хусусиятлар ўзлари фаолият юритаётган соҳаларда инновациялар яратишга ва амалиётга татбиқ этишда асосий омил бўлиб хизмат қилади.

Ёшларнинг инновацион жараёнларда фаол иштирокига эришмасдан туриб, тараққиётимиз олдида турган вазифаларни ижобий ечиб бўлмайди. Муаллиф фикрича: а) ёшларда инновацион тафаккурни шакллантириш; б) уларнинг интеллектуал салоҳиятини замон талаблари даражасида ривожлантириш; в) жамиятда ижтимоийлашувига эришиш, яъни ягона мақсад йўлида турли

ижтимоий гуруҳлар ва табақалар билан ҳамкорлигини мустаҳкамлаш; г) инновацион ғояларнинг моддий жиҳатдан аниқ таъминланишига эришиш; д) яратилган инновацион ғояларнинг амалиётга татбиқ қилинишини ташкил қилиш масаласи олдимизда кўндаланг турибди.

Диссертант бу жараёнларнинг қандай кечаётганлигини, ёшларнинг «Инновация» тушунчасига муносабатлари ва унда қай даражада иштирок қилаётганлигини аниқлаш мақсадида социологик сўровнома ўтказган. Сўровда жами 1605 нафар респондент иштирок этган<sup>10</sup>. Респондентларга, Ўзбекистонда инновациянинг қай даражада ривожланганлигига ёшларнинг муносабатларини аниқлаш мақсадида, «Сизнинг фикрингизча Ўзбекистонда инновация қандай ривожланмоқда?» деган савол берилди. Сўровда қатнашганларнинг 403 нафари (25,1 %) – «жуда суст», 163 нафари (10,2 %) – «ривожланаяпти», 890 нафари (55,4 %) – «ўрта даражада», 117 нафари (7,3 %) – «жуда жадал», 32 нафари (2 %) эса «умуман ривожланмаяпти» деб жавоб беришган.

Олинган маълумотни таҳлил қилиб, инновация «жуда суст», «ривожланмаяпти» ва «умуман ривожланмаяпти» деган жавобларни қўшсак, респондентларнинг умумий сонидан 588 нафари (37,3%) республикамизда инновацион жараёнларнинг бугунги ҳолатидан қониқмаётганликлари келиб чиқади. Респондентларнинг 991 нафари (67,8%) олий маълумотга эга эканлигини инобатга олсак, мамлакатда инновацион жараёнлар шиддат билан ўзгараётган замон, макон ва тараққиёт эҳтиёжларидан орқада қолаётганлиги маълум бўлган.

Диссертациянинг **«Жамият ижтимоий-инновацион ривожланиши жараёнида ёшлар гуруҳи тузилмасида кечадиган трансформацион ўзгаришлар»** деб номланган иккинчи бобида ижтимоий-инновацион тараққиётда фаол ёшлар гуруҳининг шаклланишига таъсир этувчи омиллар, жамият модернизациялашуви шароитида ёшлар ижтимоий фаоллигида кечаётган жараёнлар, уюшмаган ва ижтимоий-инновацион жараёнларга пассив муносабатдаги ёшларнинг ўзига хос хусусиятлари каби масалалар таҳлил этилган.

XXI асрда нафақат жамият ва мамлакат, балки инсонларнинг дунёқарашлари, менталитетларида ҳам трансформацион жараёнлар кечмоқда. Трансформация тушунчаси жамиятга ва инсон онгига нисбатан қўлланилганда, уларда кечадиган қайта ўзгариш, қайтадан ҳосил бўладиган янгиликлар назарда тутилади. Трансформацияда улар ижобий ёки салбий бўлиши мумкин. Ўрни келганда, бу тушунча билан бирга «модернизация» тушунчасини қиёслаганда айтиш мумкинки, энг аввало, уларнинг ҳар иккаласи онгли ҳаракатдаги барча субъектларга тааллуқли жараён. Агар модернизация жамият ҳаётида кечадиган, асосан, технологик янгиликларда ўз ифодасини топса, трансформация жамият ҳаётининг барча соҳаларида сифат ўзгаришларини, кечадиган ривожланиш жараёнларини ифода эттиради. Жамиятда амалга ошириладиган

---

<sup>10</sup> Жамоатчилик фикри сўрови 2021 йил 5-25 июль кунлари 1605 нафар респондентлар ўртасида ўтказилди. Тадқиқот репрезентативлигини таъминлаш мақсадида аҳолининг ҳудудий ҳамда ижтимоий-демографик хусусиятларидан (яшаш жойи, ёши, жинси, миллати, маълумоти, бандлиги ва ҳ.к.) келиб чиқиб респондентлар танлови ўтказилган.

модернизациялаштириш охир оқибатда трансформацияга олиб келади, яъни унда содир бўлган ўзгаришларни ифодалайди.

Жамиятнинг ижтимоий тараққиётида фаннинг беқиёс роли ҳақида фикр юритганда унинг интеллектуал салоҳиятни ривожлантиришда асосий омил эканлиги назарда тутилади. Мустақиллик йилларида мамлакатимизда фанни ривожлантиришга, ёшларнинг уни чуқур ўзлаштиришларига эътибор кучайди. Бу борада давлатимиз бир қатор қарорлар қабул қилди, фан ривожига катта маблағлар ажратилди. Ёшларнинг ривожланган хорижий мамлакатларда эришилган ютуқларни ўзлаштириши учун хорижий олий ўқув юртларига юборилмоқда. Аммо, ҳали бу борада ечимини кутаётган вазифалар ва муаммолар борлигини эътироф этишга тўғри келади. Диссертант фикрича, улар қуйидагилар:

- ёшларнинг илм, фан, техника ва технология соҳаларига қизиқишлари бугунги эҳтиёжлардан орқада қолаётганлиги, истеъдодли ва иқтидорли йигит-қизларнинг хорижий мамлакатларга кетиб қолаётганлиги;

- давлатнинг илмий тадқиқотлар олиб бориш учун ажратаётган маблағлари натижадорлиги пастлиги (айниқса, Ўзбекистонда фан, техника ва технология соҳасида эришилган янгилик ва ихтироларни экспорт қилиш даражасидан орқада қолаётганлиги)да намоён бўлмоқда. Импортга суянадиган мамлакатлар интеллектуаллари етишмаслигидан ўзга мамлакатларга боғланиб қолаётганлиги англаб етилмаяпти;

- илмий тадқиқотлар олиб бориш учун зарур бўлган моддий-техник базаларнинг замон талаблари даражасида эмаслиги ёки мавжудларидан ҳам самарали фойдаланилмаётганлиги.

Ёшларнинг ижтимоий-инновацион фаоллигини оширишнинг бир йўналиши бу – уларни жамият ҳаётида ижтимоийлашуви, яъни умумий мақсадлар йўлида ижтимоий синфлар, гуруҳлар ва табақалар билан ҳамкорлигининг мустаҳкам бўлиши, ягона куч сифатида ҳаракат қилиши масаласи ташкил қилади. Зеро, жамиятдаги синфлар, ижтимоий гуруҳлар ва табақалар ўртасида яқдиллик бўлмаса, уларнинг ҳар бири ўз манфаатлари йўлида тарқоқ ҳолатда ҳаракат қилишса, умум мақсадлар ва манфаатлар йўлидаги ҳаракатлар ҳам бесамар бўлиб қолаверади. Албатта, бу ерда гап уларнинг ҳар бирининг ўзига хос манфаатларини инкор қилиш ҳақида кетаётгани йўқ, балки уларни умумманфаатлар билан уйғун тарзда олиб бориш зарурлиги ҳақида кетмоқда.

Ёшлар ижтимоий-инновацион фаоллиги ошиб боришига ижобий таъсир ўтказадиган омил – давлат томонидан инновацион ғоялар учун ажратиладиган маблағлардан самарали фойдаланган ҳолда илгари сурилаётган ғояларнинг амалиётга татбиқ қилинишидир.

Жаҳоннинг шиддат билан ўзгараётгани, инсон эҳтиёжлари ошиб бораётгани шароитида жамият ижтимоий тузилмасида ҳам такомиллашув жараёнлари кечмоқда. Хусусан, янги ижтимоий гуруҳларнинг пайдо бўлиши анъанавий гуруҳлар мавқеининг сусайиши, жамоавийликка қараганда индивидуалликнинг кучайиши кабилар бугун жамият ижтимоий тузилмасида кечаётган жараёнлардир. Шу билан бирга, ана шу жараёнларда инсон омилида

кечаётган ижобий ва салбий ўзгаришлар ҳам тузилма ички ҳаётида ўз ифодасини топомқда. Айниқса, ижтимоий гуруҳларда моддий жиҳатдан табақаланиш улар ўртасида ўзаро бегоналашув ҳолатини юзага келтирмоқда.

Ёшлар ижтимоий-инновацион фаоллигига қараб уларни бир нечта гуруҳларга ажратиш мумкин. Улар орасида уюшмаган ёшлар алоҳида ўрин эгаллайди. Ёшлар ижтимоий гуруҳлари сафидаги уюшмаган ёшларни уюштириш ўта муҳим вазифалардан бирига айланиши керак. Зеро, улар мамлакат истиқболининг асосий таянчи ҳисобланади. Уларни уюштириш, ягона мақсадга йўналтириш нафақат ижтимоий, балки сиёсий аҳамиятга ҳам эга. Ҳақиқатан ҳам, бозор муносабатларига ўтиш жараёнида шаклланидиган уюшмаган ёшлар жамиятда ҳал этилиши зарур бўлган энг долзарб вазифалардан бири ҳисобланади. Асли, бу вазифа фақат мамлакат тараққиётининг эҳтиёжлари билан боғлиқ бўлибгина қолмай, балки ёшлар руҳиятида юзага келадиган: 1) агрессивлик; 2) давлат ва жамиятдан бегоналашув; 3) оиладан ва қариндош-уруғлардан бегоналашув; 4) давлатга нисбатан ишончсизлик; 5) ўзини жамият ва оила учун «ортиқча» эканлиги руҳиятининг пайдо бўлиши каби энг хатарли хусусиятлар шаклланишига олиб келади. Жамиятда улар ўз вақтида илғаб олинмас экан, бундай ёшлар: а) зўравонлик, кўпорувчилик ва хиёнаткорлик; б) давлат, жамият ва халқ манфаатларига, уларнинг барқарор бўлишига зид бўлган зўравон ва ёвуз кучларга кўшилиб кетишларига, уларнинг истаган топшириқларини сўзсиз бажаришга; в) космополитизм («беватанлик») туйғулари асосида ҳаракат қилиш ва яшашни ўзининг ҳаёт мазмунига айлантириш каби салбий ҳаракатларни амалга оширишга мойил бўлиб қоладилар.

«Уюшмаган ёшлар» ўз-ўзидан пайдо бўлмайди, муаллиф фикрича, уларнинг пайдо бўлишига қуйидаги омиллар сабаб бўлади: 1) оилаларда фарзандларга меҳнат кўникмаларининг етарли даражада шакллантирилмаганлиги, ота-оналар фарзандларини ёшлигидан меҳнатга ўргатиш ўрнига «ҳали ёш, катта бўлганида меҳнатга ўрганиб олаверади», деган қарашларнинг мавжудлиги. Бунинг салбий ҳолат эканлиги ҳақида халқ ўртасида эслаб туриладиган ҳикоялар ва мисоллар кўп. Т.К. Норбаева тўғри таъкидлаганидек: «Агар, жамият ижтимоий муносабатлар йиғиндиси бўлса, ундаги ҳар бир оила табиий, иқтисодий, ҳуқуқий, маънавий муносабатларга асосланган ижтимоий бирлик натижасида вужудга келади. Оилавий муносабатлар эса, жамиятдаги мавжуд ижтимоий, иқтисодий, мафкуравий, маънавий муносабатлари билан белгиланади»<sup>11</sup>. Шу маънода ҳам ёшларда меҳнат кўникмалари шаклланишида оиланинг ўрни ниҳоятда катта бўлиб қолаверади. Фарзандларни меҳнатга, ҳаётини мустақил ташкил қилишга ёшлигидан ўргатиш керак. Афсуски, бундай тарбия етарли даражада олиб борилмаганлиги боис, айрим ёшлар меҳнат қилмасдан роҳатда яшашга ўрганиб улғаядилар.

Тадқиқотда «пассив» ёшларни фаоллаштиришнинг муҳим омилларини таҳлил этиш жараёнида қуйидаги хулосага келинган. «Пассив ёшлар»ни

<sup>11</sup> Нарбаева Т.К. Ўзбекистонда хотин-қизларни ижтимоий ҳимоя қилишнинг инновацион модели. Социодискурсив таҳлил. - Тошкент.: «Тасвир», 2020. Б.130.

фаоллаштириш «уюшмаган ёшларга» қараганда мураккаб кечади. Сабаби, уларда имконият ва шароит бўлишига қарамай, шу руҳият шаклланган, уни ўзгартириш учун эса, энг аввало онгни ўзгартириш лозим. Онг ўзгармас экан, юқорида келтирилган салбий ҳолатларни ўзгартириб бўлмайди. Онгни ўзгартириш эса «уюшмаган ёшларга» зарур бўлган шарт-шароит ва имкониятларни яратишдан ҳам мураккаброқ муаммодир. Онгни ўзгартириш, аввало, иқтисодий ва ижтимоий эҳтиёжларни амалга ошириш, руҳиятни, ички маънавий-ботиний салоҳиятни юксалтиришни тақозо этади. Бу эса жамиятнинг катта интеллектуал салоҳиятга эга бўлиши ва унинг ана шу жараёнда фаол иштирок қилишини, тарбия билан боғлиқ барча «механизмлар»нинг барқарор ва изчиллик билан «ишлашини» талаб этади.

Тадқиқотда «фаол ёшлар» тушунчаси ва унинг ўзига хос жиҳатлари таҳлил этилган. Диссертантнинг фикрича: «Фаол ёшлар» деганда, жамият ҳаётининг барча соҳаларида мавжуд имкониятлардан фойдаланишга салоҳиятини ўзида шакллантира олган, аниқ мақсадларини кўзлаб, маълум бир соҳада ишлаш, ўқиш, касб-корга эга бўлган ҳолда, кундалик ҳаётида интилиши кучли бўлган, муваффақиятга эришишни ўзининг ҳаёт мазмунига айлантиришга ҳаракат қиладиган ва фаолиятига масъулият билан қарайдиган ёшлар тушунилади. Бундай ёшларни кимнингдир уларни фаоллаштиришига эҳтиёжи бўлмайди, фақат аниқ мақсадларга ишонтирилиб ва йўналтирилиб турилса, шунинг ўзи кифоя қилади.

Диссертациянинг **«Ёшлар эҳтиёжлари билан ижтимоий-инновацион жараёнлар ривожланиши ўртасида номуносиблик содир бўлишига олиб келувчи омиллар»** деб номланган учинчи бобида ёшлар ижтимоий-инновацион фаоллигини оширишда эҳтиёжларнинг ўрни, фан, техника ва информацион технологияларнинг ёшлар ижтимоий-инновацион фаоллигида намоён бўлиши ҳамда ёшлар манфаатларидаги фарқларни мувозанатлаштиришда ижтимоий-инновацион омилнинг ўрни каби масалалар таҳлил этилган.

Диссертацияда эҳтиёжларнинг ёшлар ижтимоий-инновацион фаоллигини ошишига ўтказадиган таъсири таҳлил этилган. Диссертант фикрича, эҳтиёж ёшларни: 1) мақсад ва манфаатлар умумийлиги асосида уюштиради ва уларни амалга оширишда фаоллаштиради; 2) ёшларни ягона ижтимоий гуруҳ сифатида «мен»лигини таъминлашга бўлган интилиш ва ҳаракатлар асосида уюштиради ҳамда фаоллик кўрсатишга даъват этади; 3) ўз истикболи мамлакатни ривожлантириш билан боғлиқлигини англаб етишдаги маънавий-руҳий яқдиллик уларни ўзаро уйғунлаштиради ва фаолликка ундайди; 4) аждодлардан қолдирилган моддий ва маънавий меросларни асраш ва кейинги авлодларга етказишдаги масъулиятларни англаш туйғулари уларни ўзаро уйғунлаштиради; 5) мамлакат хавфсизлигини ва унинг чегаралари дахлсизлигини таъминлашдаги мажбуриятлари; 6) мамлакатни жаҳоннинг юксак тараққий топган мамлакатлари сафидан муносиб ўрин эгаллашда ўзларининг ҳиссаларини қўшишга бўлган ҳаракатларини ҳам ўзаро уйғунлаштиради ва фаоллаштиради; 7) илм, фан, техника ва технологияларни ўзлаштириш ва бу йўналишда янгиликлар ҳамда ихтиролар қилишга бўлган қизиқиш ва интилишлар ўзаро

уйғунлаштиради ва фаоллаштиради; 8) авлодларни аجدодлар билан боғлаб туришдаги ўта муҳим «восита» сифатида мақомлари ва келажак авлодлар олдидаги масъулиятларни англаб етиш туйғулари уларни ўзаро уйғунлашувига олиб келади.

Бундай уйғунлик, албатта, масъулият, маънавий-руҳий салоҳият, мақсад ва манфаатлар орқали намоён бўлади. Улар табиий-моддий, ижтимоий-сиёсий ва маънавий-маърифий эҳтиёжлар сифатида юзага келиши ёшларни ҳаракатга келтирадиган мотивлар ҳисобланади.

Мамлакат ёшлари шахсий манфаатларини Ватан манфаатлари билан уйғунлаштириш руҳияти ва амалиёти ривожланиб бормоқда. Тадқиқот доирасида ёшларнинг қайси соҳаларга қизиқишлари ошиб бораётганлигини ва нимага эҳтиёжи мавжудлигини аниқлаш мақсадида «Ҳаётингиздаги юмушларни энгиллаштириш учун нима қилгансиз ёки қилмоқчисиз?», деган савол берилган. Респондентларнинг 618 нафари (38,5%) иш (ўқиш) жойи бўйича фаолиятни энгиллаштириш учун таклиф билдирган; 384 нафари (24%) яшаш жойидаги маҳалла, бошқарув компания (ЖЭК) коммунал хизматларни яхшилаш юзасидан таклифлар билдирган; 356 нафари (22,1%) давлат ташкилоти, идоралар ва ҳокимликлар фаолиятини яхшилаш юзасидан; 247 нафари (15,4%) бошқа таклифларни билдирганлиги эътироф этилган.

Келтирилган маълумотлардан маълум бўлдики, сўровда қатнашганлар (1605 нафар респондентлар, 100%)дан 1358 нафари (84,5%) ўз ҳаётларидаги мавжуд муаммоларни аниқ билишларини ҳамда уларни ҳал этишга ўзларининг амалий таклифларини билдирганлар. Бу кўрсаткичга ижобий қараган ҳолда, уларнинг аксарияти фақат таклиф сифатида қолиб кетаётганлигини эътироф этганлар.

Бу кўрсаткичга аниқлик киритиш мақсадида респондентларга «Сизнинг фикрингизча ўқиш (иш) жойингизда ниманидир ўзгартириш керакми?» – деган савол берилган. Жавоб қуйидагича бўлган: «Ҳа, ўзгартириш керак» – 991 нафар (61,7 %); «Йўқ, ўзгартириш керак эмас» – 353 нафар (22 %); «Билмайман» – 261 нафар (16,3 %).






Бу келтирилган маълумотлар: ёшларимизнинг мамлакат ҳаётида кечаётган модернизациялаштириш жараёнларига монанд қарашлари ўзгариб бораётганлигини (991 нафар (61,7 %) тўғри англаб етаётганлигини) ва айти пайтда уларнинг бир қисми (614 нафари (38,3)да) модернизациялаштириш эҳтиёжларини тўлиқ англаб етмаётганликларини кўрсатмоқда.

Муаллиф респондентларнинг барча билдирган фикр ва таклифларидан қуйидаги хулосаларни чиқариш мумкин, деб ҳисоблайди: **биринчидан**, ёшлар мамлакатда амалга оширилаётган модернизациялаштириш жараёнларига бефарқ эмаслар ва унда ўзлари ҳам иштирок қилмоқдалар. Бу, уларнинг юқорида ташкилотларда ижобий ўзгаришларга эҳтиёж борлиги ҳақида билдирган таклифларидан кўриниб турибди; **иккинчидан**, улар орасида мамлакатда кечаётган жараёнларга етарлича қатнашмаётганлари ёки қизиқиши йўқлари, ёхуд бепарво бўлганлари ҳам борлигини эътироф этиш лозим. Афсуски, сўровдан кейин улар билан бўлган суҳбатлардан маълум бўлдики, уларнинг қизиқишлари шиддат билан ўзгараётган замон ва макон эҳтиёжларидан анча паст экан. Айти пайтда, тадқиқотчи сўровда қатнашган респондентларнинг 76 фоизи ўзлари танлаган соҳалар фаолиятини яхшилашга эҳтиёж борлигини таъкидлаганларини ижобий ҳолат, деб баҳолайди. Шу билан бирга, бу йўналишда ёшларни фаоллаштириш борасида изчиллик билан иш олиб бориш эҳтиёжи мавжудлиги келиб чиқмоқда. Лекин, бу айрим ёшларда салбий эҳтиёжлар шаклланмаган, дегани эмас.

Ёшлар ўртасида ўтказилган социологик сўровда респондентларга «Қайси соҳаларга инновацияларни кенг жорий этиш зарур?» (бир иштирокчи бир неча вариант белгилаганлиги ҳисобига 2 972 та жавоб белгиланган), деган савол берилганда, респондентлар қуйидаги фикрларни билдиришди: иқтисодий – 663 та (22,3 %); ижтимоий – 448 та (15,1 %); информацион-коммуникацион – 473 та (16 %); илм, фан, таълим, техника ва технология – 770 та (26 %); маънавий-маърифий – 87 та (3 %); сиёсий – 85 та (2,7 %); тарбиявий (ота-она, оила, маҳалла, шу масалалар билан ишлайдиган нодавлат ташкилотлари фаолиятини кучайтиришга) – 353 та (11,8 %); бошқа соҳаларга – 93 та (3,1 %) кенг жорий этиш керак.



Бу маълумотдан кўришиб турибдики, респондентларнинг аксарият қисми илм, фан, таълим, техника ва технология, иқтисодий, ижтимоий ва информацион-коммуникацион соҳаларга инновацияларни жорий этиш зарурлигини таъкидлаганлар. Бу табиий, албатта, чунки ана шу соҳалар мамлакатдаги барча соҳаларнинг ривожланишига ўзининг таъсирини ўтказди. Энг асосийси, респондентлар томонидан муҳим масаланинг мазмун-моҳиятини тўғри англаб етилганлигидадир. Муҳими, бу масала юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрда «2019–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-5544-сонли Фармони қабул қилинган.

Диссертацияда «манфаатлар»нинг ижтимоий-инновацион фаоллашувидаги ўрни таҳлил этилган. Манфаатлар турли шакллар, кўринишлар ва даражаларда намоён бўлади. Бу мураккаб жараёнга тадқиқотчилар ва мутахассислар турлича таърифлар берганлар. Айтиш мумкинки, у тараққиётлар ва инкирозлар фалсафасидаги глобал масалалардан бирига айланган. Масаланинг мураккаблиги ва долзарблиги шундаки, манфаатлар тараққиёт давомида кучайиб, ривожланишни янги босқичга кўтариш омили сифатида доимо «ҳаракат»да бўлади. Манфаатларнинг охири ва поёни йўқ бўлганлиги учун уларни ҳисобга олмай, ривожланишга эришиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам Шарқ ва Ғарб фалсафасида уни ўрганишга катта эътибор берилиб келинган. Хусусан, Абу Райҳон Беруний қарама-қаршиликлардан ҳоли яшашни умумманфаатга мос келишини Ҳиндистондаги ороллардан бирида яшаётган халқлар мисолида тасвирлайди: «...Уларда хизматкорлик, хўжайинлик, гуноҳ қилиш, бир-бирини кўраолмаслик, қарама-қаршилик, ортиқча гап-сўзга бориш, савдогарчиликка уриниш йўқ... Бу оролда яшовчилар бир-бирлари билан тенг»<sup>12</sup>.

Немис классик фалсафасининг етук вакили Г. Гегель манфаат ҳақида фикр юритиб, шундай дейди: «Инсон ўз мустақиллигини ҳаётга татбиқ қилиши лозим, бу унинг бош манфаатини ташкил қилади, унинг фаолияти шундан ташкил топади... Манфаат бу – мен фақат ҳаракатлантирувчи, ҳаракатланишимнинг субъектив ифодасидир, шунингдек, манфаатли бўлиш шунга тенгки, ҳаракат қилаётганимизда мен албатта иштирок этишим лозим»<sup>13</sup>. Бунда Гегель манфаатга «мен»ни ҳаракатга келтирувчи оми сифатида қараганлигини кўрамиз. Инглиз олими Томас Гоббс эса манфаатга инсонларнинг ҳокимиятга интилиши нуқтаи назаридан қарайди.

Эҳтиёж бўлмаса, манфаат ҳам юзага келмайди. Эҳтиёж, манфаат ва амалий фаолиятдан иборат триада (учлик) мавжудлиги ва улар яшашининг манбаи, десак тўғри бўлади. Улар ўзаро уйғунликда намоён бўлгандагина ҳаракат юзага келади ва бу субъектларнинг ривожланиши ҳамда такомиллашувининг асосий омилига айланади. Аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, агар эҳтиёж юзага келса-ю, у англамаса, манфаат содир бўлмайди,

<sup>12</sup> Абу Райҳон Беруний. Танланган асарлар. 2-том. - Тошкент, 1965. – Б. 101-102.

<sup>13</sup> Гегель Г.В. Философия права. - М.: «Мысль», 1990. – С. 418.

айни пайтда уларни моддийликка айлантирувчи фаолият (ҳаракат) юзага келмаса, эҳтиёж ва манфаатнинг англаниши ҳам натижасиз қолаверади. Эҳтиёж, манфаат ва фаолиятнинг юзага келиши субъектлар интеллектуал салоҳиятларининг ривожланишига боғлиқ кечади.

Ёшлар манфаатлари турли-туман бўлиши жамиятни инқирозга олиб келадиган омил эмас, балки қамровнинг кенглиги ва ривожланиши тараққиётга хизмат қилади. Жараёндаги асосий муаммо – уларни ўзаро уйғунлаштиришга хизмат қиладиган механизмлардан самарали фойдалана билиш билан боғлиқдир.

Диссертациянинг «**Ёшлар гуруҳида ижтимоий табақаланиш жараёнининг позитив асосда кечишида ижтимоий-инновацион фаолликнинг аҳамияти**» деб номланган тўртинчи бобда ёшлар гуруҳида табақаланишни юзага келтирадиган омиллар, ёшлар ижтимоий-инновацион фаоллиги ошишида ғоявий-маънавий салоҳиятнинг роли ва ёшлар ижтимоий-инновацион фаоллигига салбий таъсир этувчи омиллар ва уларни бартараф этиш имкониятлари таҳлил этилган.

Ёшлар ўртасида табақаланиш: иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, маънавий-маърифий ва интеллектуал соҳаларда юзага келиши мумкин. Улар энг аввало, жамият ҳаётида инсонларнинг жисмоний, интеллектуал, яшаш, турмуш кечириш, мавжуд иқтисодий, ижтимоий, маънавий-маърифий имкониятлари турли-туманлигига, иккинчидан давлат олиб борадиган иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий соҳадаги фаолиятига боғлиқ бўлади. Аммо, давлат табақаланишининг олдини олишга қаратилган самарали фаолиятни олиб борса-да, уни бутунлай ҳал қила олмайди. Фақат унинг кескинлашиб зиддиятлар, қарама-қаршилиқлар ва ҳатто сиёсий тузумни ўзгартириш даражасига етиб келишининг олдини олиши мумкин. Гарчи, табақаланиш давлатнинг ушбу йўналишга қаратилган фаолияти қанчалик самарали бўлмасин, у объектив омиллар билан боғлиқ равишда кечади. Жамиятда иқтисодий соҳада, шу билан бирга, ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий соҳаларда табақаланиш жараёнининг кескинлашувини олдини олиш учун давлат самарали фаолият олиб бормаса, унинг ўзи ҳам инқирозга юз тутаяди. Шу маънода табақаланиш кескинлашувининг олдини олиш ҳар доим устувор вазифа сифатида қолади.

Ёшларнинг табақаланишига қуйидагилар таъсирини ўтказаяди: бандлиги таъминланмаганлиги, моддий ва маънавий бойликлардан фойдаланишда адолат ва тенгликнинг амал қилинмаганлиги, таълим ва бошқарув тизимида коррупциянинг мавжудлиги, қабул қилинаётган қонунлар, қарорларда ёшларга оид қисмларнинг «ишламаслиги», мамлакатда иқтисодий, ижтимоий ва маънавий-маърифий соҳалардаги инқирозлар, ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишдаги сусткашлик, илм-фан, техника ва технологияларни ўзлаштиришга интилишнинг сусайиши, ёшларнинг оила ва жамоавийлик руҳиятидан бегоналашуви.

Диссертациянинг мазкур бобда «ёшлар ижтимоий-инновацион фаоллигини ошириш» тушунчаси, унинг намоён бўлиш жараёни ҳамда унга таъсир этувчи омиллар ҳам таҳлил этилган.

Ёшларда ижтимоий-инновацион фаолликни ошириш деганда, улар онги ва дунёқарашида бугун жамият ижтимоий тузилмаси тармоқларида кечаётган ўзгаришлар (ривожланиш ва инқирозлар)дан келиб чиққан ҳолда, уларни тараққиётга йўналтириш, мавжуд муаммоларни бартараф этишда ягона куч сифатида бирлашиб ҳаракат қилиш зарурлигини шакллантириш назарда тутилади. Бу ўта муҳим вазифа мамлакатда ёшларга қаратилган давлат сиёсатида устувор йўналишни ташкил қилади.

Бугунги кунда ёшларимизнинг мамлакатимизда амалга оширилаётган модернизациялаштириш жараёнларининг моҳиятини ва унда белгиланган вазифалар кўламини тушуниб етиш, унга «мослашиш» ҳамда иштирок этишга бўлган ҳаракатлари ривожланиб бораётганлиги диққатга сазовордир. Буни «Ўқиш (иш) жойингиздаги фаолиятни яхшилаш учун нима қилиш керак деб ҳисоблайсиз?» деган саволимизга улар томонидан берилган қуйидаги жавоблардан кўриш мумкин:

251 нафари (14,1 %) – «ўзим ўзгаришим керак»; 143 нафари (8,1 %) – «рахбариятим фаолияти ўзгариши керак»; 520 нафари (29,2 %) – «янги ўқиш (иш) технологияларини фаолиятимизга жорий этиш керак»; 496 нафари (27,8 %) – «информацион коммуникацион технологияларни кенг жорий этиш керак»; 258 нафари (14,4 %) – «ўқиш (иш) жойимизда ўқитувчи, профессор (ходим)лар салоҳиятини ошириш керак» ва 113 нафари (6,4 %) бошқа таклифлар билдирганлар.

Билдирилган таклифлардан кўриниб турибдики, биринчидан, ёшлар мамлакатимизда кечаётган жараёнлардан хабардорлар ва мавжуд камчиликларни яхши биладилар; иккинчидан, мамлакатимиз тараққиётининг ҳозирги босқичида қайси соҳаларга эътиборни кучайтириш зарурлигини аниқ тасаввур этадилар. Буларнинг ҳаммаси ёшларимизнинг бугун ва истиқболда ҳам мамлакатимиз тараққиётида фаол иштирок қилиш иштиёқи ривожланиб бораётганлигини кўрсатади. Аммо, тараққиётнинг асосий субъекти ва локомотиви бўлган ўзини-ўзи ривожлантириш заруратини ёшларнинг бир қисми томонидан англанмаслиги (респондентларнинг атига 14,1 фоизини ташкил қилади), қилинадиган ишлар кўлами кенглигини кўрсатади.



Давлат томонидан янги иш ўринларини ташкил қилиниши, ёшларни ўзгараётган жамият талабларига мос равишда унга «мослаштириш»га қаратилган тадбирлар, хусусан, ишлаб чиқаришда тузулмавий (структуравий) ўзгаришларни амалга ошириш, унинг янги йўналишларига мос равишда ёшларнинг малакаларини ошириш ва янги кўникмаларни шакллантириш каби ташкилий-амалий тадбирлар уларнинг ижтимоий-инновацион фаоллиги ўсиб боришини таъминлайди.

## ХУЛОСА

Янги Ўзбекистон ёшлари ижтимоий-инновацион фаолиятида кечаётган трансформацион жараёнлар самарадорлигини ошириш механизмларини тадқиқ қилиш бўйича ўтказилган илмий тадқиқот иши асосида қуйидаги хулосалар ишлаб чиқилди:

1. Ёшлар мустақил ижтимоий гуруҳ сифатидаги илмий жиҳатдан фундаментал тарзда етарли даражада ўрганилмаган. Ёшларнинг табиати, дунёқараши, онги ва тафаккурида кечаётган ўзгаришларнинг моҳияти, айниқса, бир қисмининг даврда кечаётган салбий жараёнлар таъсирига тушиб қолаётганлиги кучайиши сабабларини мамлакат имкониятлари ва ривожланиш даражаларига мос равишда ҳал этишда ёшлар иштирокини таъминлаш ва янада фаоллаштиришнинг янги механизмларини топиш амалий аҳамиятга эга бўлади.

2. Мамлакат ва миллий тараққиётда ёшлар ижтимоийлашувининг ўрни ниҳоятда катта. Ёшларнинг бир қисмида ижтимоийлашувга нисбатан жамият ижтимоий тузилмасидан бегоналашув устуворлик томон кетмоқда. Бу мураккаб муаммонинг чуқурлашувини олдини олиш давлат, жамоат ташкилотлари, оила, ота-оналар олдидаги муҳим вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

3. Ёшларнинг жамият ижтимоий тузилмасида уюшмаган ёшлар, пасив ёшлар ҳамда фаол ёшлар гуруҳлари мавжуд бўлиб, улар бир-биридан жамият ҳаётининг барча соҳаларида ўзининг ўрни ва мавқеи билан фарқ қиладилар.

4. Ёшларнинг ўзига хослигини икки – хусусий ва умумий гуруҳларга ажратиш мумкин: биринчиси ҳар бир ёшнинг ўзига хос мақсади, манфаати, интилишлари ва ижтимоий аҳволи билан боғлиқ бўлса, иккинчиси мамлакат, Ватан ва миллат тараққиёти билан алоқадор умумманфаатларга боғлиқ.

5. Мамлакатнинг бозор муносабатларига ўтиш жараёнида бир қатор объектив ва субъектив омиллар таъсирида уюшмаган ёшларнинг шаклланиши, уларнинг салмоғи ошиб бориши мамлакатда беқарорлик ва зиддиятларнинг юзага келишига олиб келади. Улар шаклланишининг олдини олиш ва мавжудларини бартараф этиш учун давлат институтлари билан бир қаторда тадбиркор ва фермерлар, миллатнинг жонкуяр, фидойи инсонларининг фаол иштироки кутилган самара беради.

6. Жамиятимизни модернизациялаш вазифаларидан келиб чиқиб, ёшларнинг бу жараёнда фаол иштирокини таъминлашда моддий эҳтиёжларни

қондиришнинг муҳим механизмлари сифатида: уларнинг жамият ижтимоий тузилмаси (структураси)даги мавқеини кўтариш ва мустаҳкамлаш, тузилма тармоқларида мавжуд бўладиган қарама-қаршилик ва зиддиятларни бартараф этиш ҳамда ёшларнинг ижтимоийлашуви жараёнларини позитив (ижобий) дунёқараш ва амалий фаолиятга айланишига эришиш зарур.

7. Уюшмаган ёшларни уюшган ижтимоий гуруҳларга айлантиришда ёшлар онгида трансформацион жараёнларни бошқариш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

8. Ёшларнинг ижтимоий-инновацион фаоллигини оширишда фан, техника ва технология соҳаларида янгилик, ихтиро ҳамда кашфиётларни амалга ошириш билан бир қаторда, уларни рақобатбардошлигини таъминлаш талаб этилади. Бу мақсадларга эришишда таълим тизими ислоҳини кучайтириш, илмнинг ролини янги босқичга кўтариш ва зиёлиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш кутилган самара беради.

9. Ёшларнинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондириш учун уларнинг ижтимоий-инновацион фаоллигини ошириш эҳтиёжларнинг ортиб боришига уйғун ҳолда ривожлантириш ҳамда замонавий илм, фан, техника ва технологиялар ютуқларини ёшлар ўртасида оммалаштиришга ҳамда уларни эгаллашга бўлган қизиқишлари ошиб бориши билан боғлиқ тадбирларни амалга ошириш ва ёшларни бунга кенг жалб этиш уйғунликка эришиш имконини беради.

10. Жамиятни модернизациялаштириш жараёнида таълим ва тарбия тизимини тубдан ўзгартириш, уларни бошқаришда демократик услубларни жорий этиш, ёшларнинг ўқиши, илм олиши, фан, техника ва технологияга бўладиган қизиқиш ва ҳаракатларини давлат томонидан қўллаб-қувватланиши ҳамда ёшлар онги, дунёқараш ва тафаккурини модернизациялаштириш талаблари асосида янгилаш ҳамда фаолиятларини янгилик, кашфиёт ва ихтиролар яратишга йўналтириш муҳим амалий аҳамиятга эга бўлиб қолади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.20/30.12.2019.S.23.02 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ АКАДЕМИИ ГОСУДАРСТВЕННОГО  
УПРАВЛЕНИЯ ПРИ ПРЕЗИДЕНТЕ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

---

**АКАДЕМИЯ ГОСУДАРСТВЕННОГО УПРАВЛЕНИЯ ПРИ  
ПРЕЗИДЕНТЕ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

**ОТАМУРАТОВ САРВАР САДУЛЛАЕВИЧ**

**ТРАНСФОРМАЦИЯ МОЛОДЁЖИ НОВОГО УЗБЕКИСТАНА  
В СОЦИАЛЬНО-ИННОВАЦИОННЫХ ПРОЦЕССАХ:  
СОЦИОЛОГИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ**

**22.00.02-Социальная структура, социальные институты и образ жизни**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА  
СОЦИОЛОГИЧЕСКИХ НАУК (DSc)**

**Ташкент – 2021**

**Тема диссертации доктора социологических наук (DSc) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2021.3.DSc/S30.**

Диссертация выполнена в Академии Государственного управления при Президенте Республики Узбекистан.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета ([www.dba.uz](http://www.dba.uz)), на сайте Национального агентства информации Узбекистана ([www.uza.uz](http://www.uza.uz)) и информационно-образовательном портале «Ziynet» ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)).

**Научный консультант:** **Бекмуродов Мансур Бобомуродович**  
доктор социологических наук, профессор

**Официальные оппоненты:** **Саидов Акмал Холматович**  
академик, доктор юридических наук, профессор

**Умаров Абдусалом Адилевич**  
доктор социологических наук, профессор

**Каххаров Абдулла Ганиевич**  
доктор социологических наук, профессор

**Ведущая организация:** **Республиканский Центр изучения общественного мнения «Ижтимоий фикр»**

Защита диссертации состоится «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2021 года в «\_\_\_» часов на заседании Научного совета DSc.30/20.2019.S.23.02. при Академии Государственного управления при Президенте Республики Узбекистан. (Адрес: 100066, г.Ташкент, улица Ислама Каримова, 45. Административное здание Академии Государственного управления при Президенте Республики Узбекистан, 11-этаж, каб. 1108. Тел.: (99871) 232-60-56; факс: (99871) 232-60-80, e-mail: [info@dba.uz](mailto:info@dba.uz)).

С диссертацией можно ознакомиться в информационно ресурсном Центре Академии Государственного управления при Президенте Республики Узбекистана. (зарегистрирована под номером \_\_\_\_). (Адрес: 100066, город Ташкент, улица Ислама Каримов, дом 45. Тел.: (71) 232-61-25)

Автореферат диссертации разослан «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2021 года.  
(протокол реестра под номером \_\_\_\_\_ от «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2021 года).

**Т.Б. Матибаев**  
Заместитель председателя научного совета по присуждению учёных степеней, доктор социологических наук, профессор

**Ш.М. Содикова**  
Ученый секретарь Научного совета по присуждению ученых степеней, доктор социологических наук, профессор

**Ф.Я. Парманов**  
Председатель Научного семинара при Научном совете по присуждению ученых степеней, доктор социологических наук



## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора наук (DSc))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В глобальном масштабе всегда актуальным является исследование социальных групп молодежи. Потому что они являются приемниками нации и трудовыми ресурсами, которые обеспечивают настоящее и будущее страны, соединяют поколение с предыдущими поколениями. Своими качествами как стремление, новаторство и склонностью к творчеству они выделяются от других социальных групп и классов. Естественно, что эти особенности также влияют на растущие потребности молодежи в материальной, социальной и духовно-просветительской сферах. Расширения масштабов потребностей, когда жизненные потребности молодежи превышают динамику производства социальных предложений в обществе, создают состояние дисбаланса между потребностями молодежи и имеющимися в обществе возможностями, что приводит к различным конфликтам в обществе. В связи с этим, растет необходимость последовательного исследования данных трансформационных социологических процессов, происходящих в жизни современной молодежи.

Молодёжь составляет одну из самых сложных групп в социальной структуре общества. Так как у входящих в её структуру молодёжи на разном уровне и степени бывают потребности и интересы. С этой точки зрения своей актуальностью выделяются вопросы о её самостоятельности как социального слоя или группы, или же как единицы в структуре других социальных групп. Кроме того, в условиях процесса глобализации в мире анализ их объединения на основании общих целей и интересов, роли в прогрессе общества и страны и как силы, составляющую основу социальной структуры общества проявляются как факторы, обеспечивающее стабильность развития страны.

В качестве важной задачи в стране уделяется особое внимание вопросам обеспечения активного участия молодежи в экономической, политической и духовной сферах. Особенно, их склонность к новаторству, стремление и жизненный энтузиазм, придают силы и дух проводимым в нашей стране реформам. Сегодня реализация интересов молодежи определена как одна из приоритетов государственной политики. «Мы прилагаем все усилия, чтобы укрепить гражданскую позицию и активность подрастающего поколения, научить наших детей мыслить независимо, приобретать современные знания и навыки, чтобы быть готовыми конкурировать на международной арене, становиться зрелыми профессионалами»<sup>1</sup>. Социологическое исследование трансформации молодежи нового Узбекистана в социально-инновационных процессах имеет научное и практическое значение.

Сегодня в Новом Узбекистане в сфере молодежной политики приняты несколько нормативно-правовых документов и данная диссертация в определенной мере служит реализации задач, определенных в Законе Республики Узбекистан №ЗРУ-406 «О молодежной политике» от 14 сентября

---

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш.М. Стратегия Нового Узбекистана. Ташкент. Издательство «Узбекистан», 2021. - С. 54-55.

2016 года, в Законе Республики Узбекистан №ЗРУ-576 «О науке и научной деятельности» от 29 октября 2019 года, в Законе Республики Узбекистан №ЗРУ-630 «Об инновационной деятельности» от 24 июля 2020 года, в Указах Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года №УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», от 5 июня 2017 года «О мерах по повышению эффективности государственной молодежной политики и поддержке деятельности Союза молодежи Узбекистана», от 27 июня 2018 года №УП-5466 «О Государственной программе «Yoshlar-kelajagimiz», от 21 сентября 2018 года №УП-5544 «Об утверждении Стратегии инновационного развития Республики Узбекистан на 2019-2021 годы», от 29 ноября 2017 года №УП-5264 «Об образовании Министерства инновационного развития Республики Узбекистан», а также в других документах.

**Соответствие исследования основным приоритетным направлениям развития науки и технологий республики.** Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики I. «Формирование системы инновационных идей в социальном, правовом, экономическом развитии информационного общества и демократического государства и пути их реализации».

#### **Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации.**

Научные исследования, происходящих трансформационных процессов в социально-инновационной деятельности молодежи в условиях модернизации, причин и факторов, влияющих на их деятельность, процессов расслоения в социальной группе молодежи, повышения их статуса в обществе, проводят ведущие исследовательские центры и университеты по всему миру, включая Федеральное министерство образования и науки ФРГ и Фонд «Молодежных исследований» при журнале «Штерк», ННО «Молодежная политика» (Youth policy institute, Los Angeles) и «Центр развития молодежи и политических исследований» в США; Учебный центр Манчестерского молодежного университета (The Manchester centre for youth studies) в Великобритании; Во Франции организация «Региональный совет молодежи» (Conceil Regional des jennesdillede France); в России «Федеральное агентство по делам молодежи», «Научно-исследовательский центр «Юность» (общество с ограниченной ответственностью) в Казахстане.

Мировые исследования по вопросам молодежи дали ряд научных результатов. В частности: изучены место молодежи в социальной структуре общества и в других социальных группах (Youth policy institute, Los Angeles), динамика процесса социализации молодёжи (The Manchester centre for youth studies), участие молодежи в инновационных процессах (Conceil Regional des jennesdillede France), а также место молодёжи в социально-экономической, политической и духовной сферах общества (Федеральное агентство по делам молодежи России).

Проводятся ряд современных исследований молодёжи, в частности, на основе таких приоритетных направлений как: участие молодёжи в

инновационной деятельности, трансформационные процессы в обществе, статус молодёжи как личности, процесс их вовлечения в профессиональную деятельность, потребности, интересы и мотивы их действий, семейное положение, влияние семейных конфликтов на молодёжь и проблемы занятости, образования и отдыха, формальные и неформальные молодёжные группы.

**Степень изученности проблемы.** На всех этапах социально-интеллектуального развития человечества, вопросы молодежи были актуальными. Потому что, как бы ни развивались страны, их будущее зависит от творчества и созидательности социальных групп молодежи в реализации поставленных перед ними задач. В связи с этим, проблемы молодежи изучены в научных исследованиях по различным направлениям и с разных социологических ракурсов.

Представители зарубежных классической социологии как Э. Дюркгейм, Т. Парсонс, Р. Мертон, М. Вебер, С. Эйзенштадт, К. Мангейм проводили исследования о роли молодежи в обществе и ее участия в протекающих в нём процессах.

